

ТАСДИҚЛАНГАН

*“Ўзтрансгаз” АЖ
2023 йил 21 февралдаги
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан*

*Акциядорларининг
2023 йил 21 февралдаги навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
02-23-сон баённомасига
2-Илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ
АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги таҳрир)**

Тошкент-2023

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар;
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари;
3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари;
4. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи;
5. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида маълумот;
6. Акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибига таклифлар;
7. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик;
8. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми;
9. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш;
10. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси;
11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари;
12. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари ижроси.

1-илова. Рўйхатга олиш варағи;

2-илова. Бюллетень;

3-илова. Ишончнома;

3а-илова. Ишончнома;

4-илова. Билдириш хати;

5-илова. Акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги акциядорнинг таклифи;

6-илова. Акциядорлик келишувининг намунавий шакли;

7-илова. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги акциядорнинг талабномаси;

8-илова. Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ташкил этиш тартиби.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда), янги таҳрирдаги “Ўзтрансгаз” АЖ Устави ва 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик Жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом “Ўзтрансгаз” акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) акциядорларининг умумий йиғилиши мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини тартибга солади.

1.3. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишини юзма-юз (иштирок этиш) шаклида ва ахборот-коммуникация технологиялар йўли билан ўтказиши мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият Уставида белгиланган муддатларда, лекин молия йили тугаганидан сўнг олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши июнь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, муддатларини узайтириш, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг ҳисоботлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида бизнес жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятни ривожлантириш мақсадларига мувофиқлигини мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда таҳлил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

1.5. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик акциядорлар йиғилишида кўриб чиқиладиган ҳисоботлари маъруза шаклида тақдим этилади ва ҳисобот даври мобайнида Жамият томонидан эришилган натижалар таҳлили, Жамият томонидан белгиланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлили, шунингдек Жамиятнинг тасдиқланган ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар ва корпоратив бошқарув меъёрларига риоя қилиш таҳлилидан таркиб топади.

1.6. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларни унинг ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш тартиби, акциядорларга умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун тақдим этиладиган материаллар (маълумотлар) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг давомийлиги ҳар бир умумий йиғилишда тасдиқланади.

1.7. Бошқарув органлари барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, тенг муносабатда бўлишни таъминлайди.

1.8. Акциядорларнинг йиллик йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари ҳисобланади.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуйидагилар киради.

1) Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш, устав фондининг (устав капиталининг) қўпайиши ва Жамиятнинг эълон қилинган акциялари миқдорининг камайиши билан боғлиқ равишда Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

- 2) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- 3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссияси) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 4) Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сонини аниқлаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши. Бундай ҳақ ва туловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.
- 5) эълон қилинган акцияларнинг чегаравий миқдорини белгилаш;
- 6) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- 8) ўз акцияларини қайта сотиб олиш;
- 9) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- 10) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш, Тафтиш комиссияси фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофотлар ва компенсациялар тўлаш;
- 11) йиллик ҳисоботларни, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, унинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда, ўрта ва узоқ муддатли даврда ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
- 12) Жамият даромадлари ва зарарларини тақсимлаш;
- 13) Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича, шу жумладан Жамият бошқаруви бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш, шунингдек Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тинглаш;
- 14) умумий йиғилиш иш тартибини тасдиқлаш;
- 15) акциядорларнинг акцияларни ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича устувор ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 16) акцияларнинг бўлиниши ва консолидацияси;
- 17) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 18) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, аффилиланган шахслар томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 19) аффилиланган шахслар билан операцияларни ва ижроия органи томонидан йирик битимларни мустақил равишда амалга ошириш учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

20) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, дивиденд ҳажмини, ҳар бир турдаги акциялар учун тўлаш шакли ва тартибини белгилаш, Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

21) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамнинг чегаравий миқдорини белгилаш;

22) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини, унинг хизматлари учун тўловнинг чегаравий миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш).

23) қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари

3.1. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидаги шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга:

– акциядорлар – оддий акциялар эгалари, Жамият ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича;

– акциядорлар – имтиёзли акциялар эгалари – акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият уставига акциядорлар – имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида қарор қабул қилишда, шу жумладан дивидендлар миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ҳоллари ва (ёки) имтиёзли акциялар бўйича тўланган аввалги тартибни тугатиш қийматини белгилаш ёки ошириш, шунингдек имтиёзли акциялар эгаларига дивидендларни тўлаш тартибида ва (ёки) ушбу акцияларни тугатиш қийматида устуворликлар тақдим этишда;

– акциядорлар – имтиёзли акциялар эгалари акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўламаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган йиғилишдан бошлаб, ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг – имтиёзли акциялар эгаларининг акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи ушбу акциялар бўйича дивидендлар тўла ҳажмда биринчи тўлови амалга оширилган пайтдан бошлаб бекор қилинади.

3.2. Овоз беришга қўйилган масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори акциядорларнинг – йиғилишда қатнашаётган овозга эга акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан (оддий кўпчилик) қабул қилинади, 2.1-банднинг 1), 2), 3), 5), 13), 17), 18) кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар бундан мустасно. 2.1-банднинг 1), 2), 3), 5), 13), 17), 18) кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорлар – акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи овозга эга акциялар эгаларининг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.3. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Жамиятнинг оддий ва имтиёзли акцияларининг эгаларининг овоз беришга қўйилган масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишидаги овозларини ҳисоблаш барча овозга эга акциялар учун биргаликда амалга оширилади.

3.4. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби Жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган Жамиятнинг бошқа ҳужжатларида белгиланади.

3.5. Акциядорлар умумий йиғилиши йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

3.6. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш натижалари акциядорлар эътиборига Жамият уставида ёки Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларда белгиланган тартибда ва муддатларда, лекин ушбу қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай етказилади.

3.7. Акциядор, агар у акциядорларнинг умумий йиғилишида узрли сабабларга кўра қатнашмаган бўлса ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

4. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи

4.1. Акциядорлар умумий йиғилишидан уч иш кун олдин тузилган Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Акциядорлар – имтиёзли акциялар эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади.

4.2. Акциядорлар умумий йиғилишида умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудиторлари, Жамиятнинг кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари (Жамиятнинг кузатув кенгаши ва назорат органларини сайлаш учун овоз бериш бюллетенларига киритилган номзодлар муҳокама қилинган тақдирда, шунингдек Жамиятнинг коллегиял ижроия органи раҳбарини тайинлаш учун, бунда кўрсатилган шахсларни ҳам тақлиф қилиш тавсия этилади) иштирок этадилар.

4.3. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисида билдириш хатида кўрсатилган жойда ва вақтда рўйхатдан ўтишлари керак.

4.4. Акциядорларни, умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, шунингдек вакилга нисбатан – нотариал тасдиқланган ишончнома тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

4.5. Юридик шахс бўлган акциядорнинг вакили унинг номига ташкилот раҳбари ёки унинг таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколатли бўлган бошқа шахс томонидан имзоланган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома бўлса, умумий йиғилишда қатнашиши мумкин.

4.6. Умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхатга олиш умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади, у кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган санага Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича тузилади.

4.7. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига мувофиқ, 1-иловадаги шакл бўйича рўйхатга олиш варағи тузилади.

Рўйхатга олиш варағи боғланган, рақамланган, тикилган ва акциядорлик Жамиятининг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак.

4.8. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олиш варағига имзо қўядилар ва акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатидан ҳар бир акциядорнинг овозга эга акциялар сонидан келиб чиққан ҳолда овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини (2-илова) оладилар.

4.9. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир қанча акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишончномани тақдим қилса, у вакил бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) овоз бериши учун бюллетенлар берилади, рўйхатга олиш варағида эса у вакил бўлган акциядорнинг фамилияси рўпарасига “202__ йил ____ даги ____-сонли ишончнома бўйича ____ дона (сони) овозга эга акциялар учун” деган ёзув киритилади ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади (3, 3а-иловалар).

4.10. Номинал акция эгаси акциядорларнинг умумий йиғилишида акциялар эгалари томонидан берилган ва ушбу Низомнинг 4.9-бандига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида иштирок этиши мумкин.

5. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида маълумот

5.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисида билдиришнома Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали (4-иловага мувофиқ) йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган кунгача ўттиз кундан олдин бўлмаган вақтда жўнатилади.

5.2. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида билдириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

– Жамиятнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили;

– умумий йиғилиш санаси, вақти ва жойи;

– Жамият акциядорларининг реестри шаклланган сана;

– умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

– акциядорларни ва ҳукумат вакилини умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун акциядорларга ва ҳукумат вакилига тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) билан таништириш тартиби.

– акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

5.3. Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун акциядорларга бериладиган маълумотларга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Жамиятнинг тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Бошқарув раиси билан муддатни узайтириш, қайта музокара қилиш ёки шартномани бекор қилиш имкониятлари тўғрисида Жамият кузатув кенгашининг хулосаси, Жамият кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби билан боғлиқ позицияси, шунингдек Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига аъзоликка

номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки янги таҳрирдаги Жамият устави лойиҳаси киради.

5.4. Акциядорларга ва давлат вакилига берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

6. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар

6.1. Жамиятнинг овозга эга акцияларининг жами камида бир фоизига эгалик қиладиган акциядорлар (акциядор) 1 майдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига масалалар киритишга (5-иловада кўрсатилган шаклда) ва Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясига (тафтишчилар) номзодларни кўрсатишга ҳақли, бунда уларнинг сони ушбу органнинг миқдорий таркибидан ошиб кетиши мумкин эмас. Бунда Жамият кузатув кенгашига номзодларни кўрсатишда акциядорлар кенгаш таркибига мустақил аъзоларни киритиш тўғрисидаги Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилади ва уларнинг сони уставда назарда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг камида 15 фоизини ташкил этади.

6.2. Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилари) ўзлари томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисида билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартириш киритишга ҳақли саналади.

6.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйилиш сабаблари, масалани киритган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми (номи), улар эгалик қиладиган акциялар сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма равишда киритилади.

6.4. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилари) номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар киритишда, шу жумладан ўзини ўзи номзод кўрсатган тақдирда номзоднинг исми, унга тегишли бўлган акциялар сони ва тури (агар номзод Жамиятнинг акциядори бўлса), шунингдек номзодни илгари сураётган акциядорларнинг исмлари (номлари), улар эгалик қиладиган акциялар сони ва тури кўрсатилади.

6.5. Жамият кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва уларни акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш ёки мазкур Низомнинг 6.1 6.2-бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай келтирилган кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади, худди шунингдек, кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчи) сайлаш учун номзодлар рўйхатига киритилади. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

– акциядорлар (акциядор) томонидан ушбу низомнинг 6.1-бандида белгиланган муддатга риоя этилмаган бўлса;

– акциядорлар (акциядор) ушбу низомнинг 6.1-бандида назарда тутилган миқдорда Жамиятнинг овозга эга акцияларининг эгаси ҳисобланмаса;

– ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

– таклифлар ушбу низомнинг 6.3- ва 6.4-бандлари талабларига жавоб бермаса.

6.6. Жамият кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масалани ёки Жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига номзодни киритишни рад этиш тўғрисидаги асосли қарори у қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай масалани киритган ёки таклифни тақдим этган акциядорларга (акциядорга) юборилади.

6.7. Жамият кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масалани ёки Жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига номзодни киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик

7.1. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда умумий йиғилишни чақираётган Жамият кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш санаси, вақти ва жойи;
- умумий йиғилиш кун тартиби;
- умумий йиғилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилган сана;
- акциядорларга ва ҳукумат вакилига умумий йиғилиш тўғрисида маълумот бериш тартиби;
- умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларга ва ҳукумат вакилига тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхати;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига аниқ масала қўйилмаган ифодалар (шу жумладан “турли хил”, “бошқа”, “бошқалар” ва ҳоказо) киритилишига йўл қўйилмайди.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг санаси уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлган муддатда белгиланиши мумкин эмас.

8. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми

8.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш тугаган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овозга эга акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ акциясига эгаллик қилаётган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний ваколатга (кворумга) эга бўлади.

8.2. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, такрорий акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши пайтида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

8.3. Ўтказилмаган йиғилиш ўрнига чақирилган такрорий акциядорларнинг умумий йиғилиши, агар рўйхатдан ўтиш тугаган пайт унда иштирок этиш учун Жамиятнинг жойлаштирилган овозга эга акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ акциясига эгалик қилаётган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, қонуний ваколатга эга бўлади.

8.4. Кворум йўқлигига боғлиқ равишда акциядорларнинг умумий йиғилишининг санаси йигирма кундан кам вақтга кўчирилганда, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига мувофиқ белгиланади.

9. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш “Жамиятнинг битта овозга эга акцияси – битта овоз” тамойили бўйича амалга оширилади, фақатгина Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун кумулятив овоз бериш ҳоллари бундан мустасно.

Кузатув кенгаши аъзоларини танлаш бўйича овоз бериш жараёнида позицияни белгилашда акциядорлар номзодларнинг малакаси, бошқарув органларидаги тажрибаси, корпоратив бошқарув соҳасидаги билимлари, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган ҳолларда Корпоратив бошқарув илмий-ўқув маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжудлигига асосланишади.

Акциядорлар бўлган ёки акциядорлар вакили сифатида қатнашадиган Бошқарув аъзолари ёки Бошқарув аъзолигига номзодлар Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш махсус бюллетенлар орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёпилгандан сўнг, акциядор ёки унинг вакилининг илтимосига биноан ҳисоб комиссияси унга ўзи тўлдирган овоз бериш бюллетенининг нусхасини тақдим этади, бунда ушбу ҳужжатни тақдим этганлик учун тўлов бюллетен нусхасини тайёрлаш учун харажатлар қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

9.3. Жамият акциядорлари, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз бериш пайтида ўзларининг биргаликдаги позицияларини шакллантириш учун акциядорлик келишуви тузишга ҳақли саналади.

9.3.1. Акциялар билан тасдиқланган ҳуқуқларни амалга ошириш ва (ёки) акцияларга бўлган ҳуқуқларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида шартнома акциядорлик келишуви деб тан олинади.

9.3.2. Акциядорлик келишувига кўра, унинг томонлари акциялар билан тасдиқланган ҳуқуқларни ва (ёки) акцияларга бўлган ҳуқуқларни муайян тарзда амалга оширишга ва (ёки) ушбу ҳуқуқлардан фойдаланмаслик (воз кечиш) мажбуриятини ўз зиммаларига олишади.

9.3.3. Акциядорлик келишувида унинг томонлари учун акциядорларнинг умумий йиғилишида муайян тарзда овоз бериш, овоз бериш вариантыни бошқа акциядорлар билан мувофиқлаштириш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

9.3.4. Акциядорлик келишуви томонлар имзолаган битта хужжатни расмийлаштириш орқали ёзма равишда тузилади. Акциядорлик келишувининг намунавий шакли ушбу низомнинг б-илоvasида келтирилган.

9.3.5. Акциядорлик келишуви томонларининг Жамият бошқарув органлари кўрсатмаларига мувофиқ овоз бериш мажбурияти, агар бундай келишув уларнинг акцияларига нисбатан тузилган бўлса, акциядорлик келишувининг предмети бўлиши мумкин эмас.

9.3.6. Акциядорлик келишуви фақат унинг томонлари учун мажбурий саналади.

9.3.7. Акциядорлик келишувини тузган Жамият акциядорлари унинг тузилганлиги тўғрисида Жамиятни у тузилган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт. Акциядорлик келишуви томонларининг келишувига мувофиқ, Жамиятга билдириш хати томонлардан бири томонидан юборилиши мумкин. Ушбу мажбурият бажарилмаган ҳолатда, акциядорлик келишуви томонлари саналмайдиган Жамият акциядорлари уларга етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли саналади.

9.3.8. Билдириш хатида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

– акциядорлик келишувини тузган жисмоний шахсларнинг ФИШ ва/ёки юридик шахсларнинг тўлиқ номи;

– акциядорлик келишуви тузилган сана ва кучга кирган сана ёки акциядорлик келишувига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилинган сана ва тегишли ўзгаришлар кучга кирган сана ёхуд акциядорлик келишуви бекор қилинган сана;

– акциядорлик келишувининг амал қилиш муддати;

– акциядорлик келишуви тузилган сана учун келишувни тузган шахсларга тегишли бўлган акциялар сони;

9.3.9. Жамият хабардор қилинган ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасидан бир йил олдин тузилган акциядорлик келишувлари тўғрисидаги маълумотлар бундай йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тақдим этилади.

9.3.10. Акциядорлик келишувида акциядорлик келишувидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ва бундай мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари назарда тутилиши мумкин.

10. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

10.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Иккала нусха ҳам умумий йиғилиш раиси ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади:

– акциядорлар умумий йиғилишининг санаси, вақти ва жойи;

– Жамиятнинг овозга эга акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан берилган овозларнинг умумий сони;

– умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг овозлари сони;

– умумий йиғилиш раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида чиқишларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари, йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар бўлиши керак.

11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари

11.1. Раёсат, ҳисоб комиссияси ва котиб умумий йиғилишнинг ишчи органлари саналади.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилишида раёсат ва умумий йиғилиш раиси сайланади.

11.3. Акциядорлар умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, узрли сабабларга кўра у бўлмаган ҳолларда эса – Жамият кузатув кенгаши аъзоларидан бири бошқаради.

11.4. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатини бошқаради, йиғилиш ўтказилишини таъминлайди ва бунинг учун ўз мажбуриятларини тўғри бажариши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади. Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилишининг раиси акциядорларнинг умумий йиғилишини аудио-видео ёзиб олиш ва Интернет тармоғида трансляция қилишга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

11.5. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачилар учун вақтни чеклайди, йиғилиш ва овоз бериш жараёни тўғрисида тушунтиришлар беради ҳамда залдаги тартибни назорат қилади.

11.6. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баённомаси ва қарорларини имзолайди.

11.7. Овозларни ҳисоблаш, акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш мақсадида Жамият кузатув кенгаши томонидан ҳисоб комиссияси тузилади, унинг миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бунда ҳисоб комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функцияларини бажариш учун кузатув кенгашининг қарори билан мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин.

11.8. Ҳисоб комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас. Ҳисоб комиссиясига Жамият кузатув кенгаши аъзолари, Жамият тафтиш комиссияси аъзолари, коллегиял ижроия органи аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шунингдек ушбу лавозимларга номзодлар томонидан кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

11.9. Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз бериш амалга оширилганда, овозга эгалар овоз беришнинг мумкин бўлган вариантларидан биттасини қолдирган масалалар бўйича овозлар ҳисобланади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари бекор қилинади ва ундаги масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.

11.10. Ҳисоб комиссияси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш нуктаи назаридан йиғилишнинг мустақил доимий ишчи органи ҳисобланади ва кузатув кенгашининг таклифига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

11.11. Ҳисоб комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилишида (йиллик ёки навбатдан ташқари) ҳисоб комиссиясининг янги таркиби сайланган (ёки қайта сайланган) пайтгача ҳисобланади.

11.12. Ҳисоб комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш пайтида кузатув кенгаши топшириғига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини чиқаради ва юборади, чиқарилган (юборилган) бюллетенларнинг ҳисобини юритади.

11.13. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг аввалги умумий йиғилиши томонидан сайланган ҳисоб комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказди;

- ишончномалар ва улар берадиган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа маълумотларини (материалларини) чиқаради;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлигини белгилайди.

12. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари ижроси

12.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари ижросини назорат қилиш, агар қарорда бошқача кўрсатилмаган бўлса ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

12.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда қатнашаётган ва қатнашмаётган барча акциядорлар учун тегишлилиги бўйича ижро учун мажбурий саналади.

“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга

2-ИЛОВА

_____ дона оддий акция ва _____ дона имтиёзли акция билан
акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган “Ўзтрансгаз”
АЖнинг акциядори _____ нинг

№ __ БЮЛЛЕТЕНИ

Умумий йиғилишни ўтказиш жойи: _____				
Умумий йиғилишни ўтказиш санаси ва вақти: _____				
№	Кун тартибидаги масала	Овоз бериш вариантлари (фақат керакли жавобни қолдириб, кераксизларини чизиб ташланг).		
		Рози	Қарши	Бетараф
1.		Рози	Қарши	Бетараф
2.		Рози	Қарши	Бетараф
3.		Рози	Қарши	Бетараф
4.		Рози	Қарши	Бетараф
5.		Рози	Қарши	Бетараф

Имзо қўйилмаган бюллетен ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Акциядор _____
(ФИШ)

(имзо)

*“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга*

3-ИЛОВА

ИШОНЧНОМА

Мен _____ дона оддий акцияга (ва _____ дона имтиёзли акцияга) эгалик қилувчи “Ўзтрансгаз” АЖ акциядори _____ ўзимга тегишли бўлган барча акциялар билан акциядорлар йиғилишида овоз беришда мени манфаатларимни намоён этиш учун _____ га ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили

Паспорт

серияси _____ № _____

Ким томонидан берилган _____

Паспорт

серияси _____ № _____

Ким томонидан берилган _____

Ишончнома 20__ йил _____ дан 20__ йил _____ гача амал қилади.

Акциядор имзоси _____ Сана _____

Акциядор _____ нинг шахсий имзосини

тасдиқлайман:

Нотариус _____

Имзо _____ Сана _____

М.Ў.

*“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга*

3а-ИЛОВА

ИШОНЧНОМА

Мен _____ дона оддий акцияга (ва _____ дона имтиёзли акцияга) эгалик қилаётган “Ўзтрансгаз” АЖ акциядори ҳисобланувчи _____
(юридик шахс номи)

раҳбари (директори, раиси) _____ тегишли барча
акциялар билан акциядорлар йиғилишида овоз
беришда _____
(юридик шахс номи) манфаатларини намоён этиш учун
фуқаро _____ га ишонч билдираман.

Акциядорнинг манзили:

Вакилнинг манзили

Банк реквизитлари:

Паспорт серияси ___ Н _____

Ишончнома 20__ йил _____ дан 20__ йил _____ гача амал қилади.

Раҳбар имзоси _____ Сана _____

Акциядор _____ нинг шахсий имзосини

тасдиқлайман:

Нотариус _____

Имзо _____ Сана _____

М.Ў.

“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга

4-ИЛОВА

Билдириш хати

Ҳурматли акциядор

“Ўзтрансгаз” АЖ, _____ манзилида жойлашган, электрон почтаси: _____, боғланиш учун телефон: _____, Сизни 20__йил _____ соат _____ да _____ манзилда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилади. Кун тартиби қуйидагича:

Кун тартиби.

1. _____.
2. _____.
3. _____.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 20__йил _____ ҳолатига кўра тузилади;

Акциядорларни рўйхатга олиш 20__йил _____ соат ____дан соат ____ гача давом этади. Ўзингиз билан паспорт олиб келиш сўралади. Акциядорлар вакиллари ёнида ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар кун тартиби ва Жамият фаолияти бўйича масалалар юзасидан маълумотлар билан Жамият жойлашув жойида танишиши мумкин.

“Ўзтрансгаз” кузатув кенгаши

*“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга*

5-ИЛОВА

**“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига
масала киритиш бўйича
_____ АКЦИЯДОР ТАКЛИФИ**

Талаб мазмуни (таклиф ифодаси) _____

Жами акциялар сони _____
жумладан

овозга эга акциялар сони _____ (Жамиятнинг овозга эга акцияларининг
умумий миқдорининг камида 1 % и)

(ташкилот номи)

Ф.И.Ш. _____
(имзо, сана)

6-ИЛОВА

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
АКЦИЯДОРЛИК КЕЛИШУВИ**

20 ____ йил “ ____ ” _____

Фуқаро _____, паспорт
маълумотлари _____ Фуқаро _____
паспорт маълумотлари _____,
(ташкилот номи)

номидан _____ асосида иш юритувчи _____
(низом, ишончнома, устав ва бошқалар) (лавозими, исми-шарифи),
ва бундан кейинги ўринларда “Акциядорлар” деб юритиладиган “Ўзтрансгаз”
акциядорлик Жамияти акциядорларининг (матннинг кейинги ўринларида “Жамият”)
ҳуқуқларидан фойдаланиш тўғрисида ушбу келишувни туздилар.

1. АКЦИЯДОРЛИК КЕЛИШУВИ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур келишув Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришда акциядорларнинг биргаликдаги позициясини шакллантиришни ва уларнинг келишувда белгиланган тартибда ўз акциялари билан тасдиқланган ҳуқуқларидан ва (ёки) акцияларга бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишга ва (ёки) ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишдан воз кечишга йўналтирилган ҳаракатларини тартибга солади.

2. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Акциядорлар Жамият акциялари билан тасдиқланган ўз ҳуқуқларидан қуйидаги тартибда фойдаланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

– акциядорларнинг умумий йиғилишида _____ масала бўйича овоз бериш пайтида _____

(Жамият фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолат) ҳолатда “рози” (ёки: “қарши”) овоз бериш;

– акциядорларнинг умумий йиғилишида _____ масала бўйича овоз бериш пайтида _____

(Жамият фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолат) ҳолатда акциядорлар ўртасида овоз бериш вариантини келишиб олиш;

– акциядорларнинг умумий йиғилишида _____ масала бўйича овоз бериш пайтида _____

(Жамият фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолат) ҳолатда овоз беришда бетараф қолиш;

– _____ ҳолатида

(Жамият фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолатлар)

акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг _____ моддаси _____ қисмининг _____ бандида ва/ёки Жамият уставининг _____ моддасида назарда тутилган _____ ҳуқуқлардан фойдаланишдан воз кечиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

3. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Жамият Уставига мувофиқ, ўз ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш;

– _____ ҳолатида ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш;

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу келишув бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун акциядорлар _____ га мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Агар мазкур келишув тузилгандан сўнг юз берган фавқулодда тусдаги ва акциядор олдиндан кўра олмайдиган ҳамда уни оқилона чоралар билан бартараф этолмайдиган ҳодисалар оқибатида келишув бажарилмай қолган бўлса, акциядорлар ушбу келишув бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажаришдан озод этилади. Форс-мажор ҳолатларига акциядор таъсир қила олмайдиган ва юзага келгани учун у жавобгар бўлмайдиган ҳодисалар киради.

5.2. Форс-мажор ҳолатларига асосланаётган акциядор зудлик билан бошқа акциядорларни бундай ҳолатлар юз берганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт, бундан ташқари, бошқа акциядорларнинг талабига кўра буни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши лозим.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Акциядорлар ушбу келишув бажарилиши муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган барча келишмовчиликлар ва низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни қўллашга мажбурдирлар.

6.2. Агар низолар музокаралар йўли билан 10 кун ичида ҳал этилмаса, томонларнинг даъволари хўжалик судида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва _____ гача амал қилади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу келишувга киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар акциядорлар томонидан ёзма равишда амалга оширилади.

8.2. Ушбу келишув _____ нусхада тузилган.

9. АКЦИЯДОРЛАР ИМЗОСИ

Номи _____

Манзил: _____

_____/_____

(имзо, Ф.И.Ш.)

Реквизитлар: _____

_____/_____

(имзо, Ф.И.Ш.)

Лавозим _____

_____/Ф.И.Ш./

(Имзо) М.Ў.

“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга

7-ИЛОВА

**Навбатдан ташқари “Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг умумий
йиғилишини чақириш бўйича
_____АКЦИЯДОР ТАЛАБНОМАСИ**

Талаб мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш сабаблари ифодаланади).

Жами акциялар сони
жумладан

овозга эга акциялар сони _____ (АЖнинг овозга эга акциялари умумий сонининг камида 10% и)

(ташкилот номи)

Ф. И. Ш. _____

(имзо, сана)

“Ўзтрансгаз” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга
8-ИЛОВА

**Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш учун
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1. Ушбу тартиб акциядорларга акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок ҳуқуқини муҳофаза қилишни таъминлашда, акциядорлик жамиятининг жорий фаолиятини лаёқатсиз ва адолатсиз бошқариш билан боғлиқ ҳолда уларнинг манфаатларига зарар етказилишининг олдини олишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига (янги таҳрирда) мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббуси, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), шунингдек ёзма талабнома юборилган сана учун Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

3. Жамиятнинг тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгалик қиладиган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида ёзма талабнома тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабномада йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар, уларнинг киритилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда келтирилиши керак.

5. Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эга акциядор (акциядорлар) нинг талабига кўра чақирилган навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар таркибига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

6. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядордан (акциядорлардан) келиб тушса, унда ўзи эгалик қиладиган акциялар сони ва турини кўрсатган ҳолда йиғилишни чақиришни сўраган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи) бўлиши керак.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (лар) томонидан имзоланади.

8. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома юборилган кундан бошлаб ўн кун ичида Жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

9. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамиятнинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгалик қиладиган акциядор (акциядорлар) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар қуйидагича:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган Жамиятнинг овозга эга акциялари сонига эга эмас;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг ҳеч бири акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирмайди;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масала ушбу Қонун талабларига мос келмайди.

10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида асосли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай уни чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

11. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

12. Агар ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаса ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бунда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Жамият ҳисобидан қопланиши мумкин.